



**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги**

**ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРГА
НАФАҚАЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2024

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРГА
НАФАҚАЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
ИЖТИМОЙ СУҒУРТА БЎЙИЧА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚАЛАР.....	3
ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ	4
ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ МИҚДОРИ.....	9
НАФАҚА ТАЙИНЛАШ УЧУН УМУМИЙ ИШ СТАЖИНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ	10
ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ БЎЙИЧА НАФАҚА.....	12
БОЛА ТУҒИЛГАНДА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА.....	13
ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ УЧУН БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА.....	14
НАФАҚАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ.....	15
ИЛОВАЛАР	20

КИРИШ

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича фуқароларга нафақалар бериш тўғрисида услубий қўлланма (*кейинги ўринларда – Қўлланма деб аталади*) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Қўлланма давлат ижтимоий суғуртаси бўйича фуқароларга нафақалар беришда **ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида** ишлаб чиқилди.

Қўлланмада давлат ижтимоий суғуртаси бўйича фуқароларга нафақалар бериш асослари, тартиби ва шартлари, бундай тўловларни расмийлаштириш тартиби ва ҳужжатларнинг намуналари келтириб ўтилган.

Қўлланмани **очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади** ва ундан **фойдаланиш бепул** ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли Қўлланма янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА БЎЙИЧА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚАЛАР

Ижтимоий суғурта бўйича қуйидаги нафақалар берилади:

ҳомиладорлик ва туғиш учун

бола туғилгани учун

қўшимча дам олиш куни учун

дафн этиш маросими учун

Нафақа олиш учун мурожаат қилиш ва нафақани тўлаш муддатлари

Нафақа олиш учун мурожаат қилиш лозим:

<i>меҳнат қобилияти тикланган кундан</i>	бошлаб	6 ой муддат ичида
<i>ногиронлик белгиланган</i>		
<i>ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан</i>		
<i>вафот этган кундан</i>		
<i>бола туғилган кундан</i>		



Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси мурожаат қилинган кунгача бўлган **12 ойдан ошмаган давр** учун берилади.

Нафақа **ойига бир марта** — ойнинг 2-ярми учун бериладиган иш ҳақи билан бирга тўланади.



ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси бериладиган ҳолатлар:



Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун нима асос бўлади?

- Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат **вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси** (касаллик варақаси) асос бўлади.
- Касаллик варақаси йўқолган ҳолларда, нафақа унинг дубликати асосида берилади.



*Мазкур нафақа меҳнат қобилияти йўқолган **биринчи кундан то у тиклангунга қадар** ёки ногиронлик белгилангунга қадар, ҳатто бу даврда ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам берилади.*

Санаторий-курортда даволаниш вақтида нафақа тўланадими?



Асосий ва қўшимча таътил ходимнинг санаторийда даволаниши учун етарли бўлмаганда санаторий-курортда даволанишда нафақа берилади.

Санаторийда бўлган барча вақт учун нафақа бериладиган фуқаролар тоифалари



1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари




байналминал жангчилар



Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимлар



санаторийга даволанишни давом эттириш учун даволаш муассасаларидан ўткир миокард инфаркти билан касалланган, жарроҳлик услуби билан юракнинг аортакоронар шунтровкаси ва аневризмлари, ошқозоннинг яралик касаллиги, ўн икки бармоқ ичак касаллигидан даволанган ва ўт пуфагини олиб ташлашдан кейин бевосита юборилган ходимлар



сил касаллиги билан оғриганлар



16 ёшгача бўлган **ногирон болани тарбиялаётган** ота-оналардан бирига боланинг санаторийда даволанган барча даври учун нафақа берилади.



Бунинг учун болага яқка тартибда парвариш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса зарур.

Болани парваришларда банд бўлган она касал бўлиб қолганда нафақа тўлаш тартиби қандай?

➔ 3 ёшгача бўлган болани (16 ёшгача бўлган ногирон болани) парваришларда банд бўлган она касал бўлиб, болани парваришларга қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига (касаллик варақасига асосан) нафақа берилади.



➔ Оиланинг касал бўлган аъзосига қараш бўйича касаллик варақаси бемор бировнинг парваришига муҳтож бўлган, лекин **7 календарь кундан ошмаган** давр учун берилади.

➔ 14 ёшга етмаган бемор болага қараш учун касаллик варақаси болага парвариш керак бўлган, аммо **14 календарь кундан ошмаган** давр учун берилади.

Ходим карантин вақтида ишдан четлатилган бўлса, нафақа бериладими?

➔➔ Ходим карантин вақтида санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан атрофидаги шахслар орқали юқумли касалликка чалиниш хавфини олдини олиш мақсадида **ишдан четлатилган бўлса нафақа берилади.**



Мавсумий ва вақтинчалик ишларда банд бўлган ходимларга меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қандай асосларда тўланади?

➔➔ Мавсумий ва вақтинчалик ишларда банд бўлган ходимларга нафақа **умумий асосларда,** бошқа сабаблар оқибатидаги вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнат шартномасида кўрсатилган **иш кунлари доирасида** тўланади.



Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қанча муддатга берилади?

Нафақа олувчи фуқаролар	Нафақа муддати
Ишлаётган ногиронлар	кетма-кет 2 ойдан ва календарь йилда 3 ойдан ошмаган муддатга
Ишлаётган 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронларига ва имтиёзлари жиҳатдан уларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар	кетма-кет тўрт ойгача ёки календарь йилда беш ойгача
Чернобил АЭСдаги фалокат ёки унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ сабабларга кўра ногирон бўлган шахслар	кетма-кет тўрт ойгача ёки календарь йилда беш ойгача
<p>Агар ишловчи ногироннинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли юз берса, нафақа у тўла соғайгунга ёки меҳнатда майибланиш ёхуд касб касаллиги билан боғлиқ ногиронлик гуруҳи қайта кўриб чиқилгунга қадар тўланади.</p>	
Сил билан касалланган шахс	тўла соғайгунга қадар, лекин кўпи билан 10 ойга
Сил касаллиги билан қайта касалланган ёки сил касаллиги оқибатида ногирон деб топилган шахс	кўпи билан 6 ойга

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун қандай сабаб билан нафақа тўланмаси мумкин?



Ушбу даврларда бошланиб, давом этаётган меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходим ишга чиқиши (лавозимга тикланиши) лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қандай ҳолларда берилмайди?

- Ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солганда;
- гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида касалликка чалинганда (жароҳатланганда);
- жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда;
- суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда (руҳий касаллардан ташқари);
- ҳибсда бўлган даврда;
- суд-тиббиёт экспертизасидан ўтиш даврида **нафақа берилмайди.**

ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ МИҚДОРИ

Иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг **100 фоизи** миқдорда нафақа тўланадиган шахслар



ишлаётган 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари



байналминал жангчилар ва уларга тенглаштирилган бошқа шахслар



қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимлар



Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимлар



Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавfli ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимлар



меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимлар

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар* бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга



иш ҳақининг 100 фоизи

умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга



иш ҳақининг 80 фоизи

умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга



иш ҳақининг 60 фоизи

Қолган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

➤ умумий иш стажи **8 йил ва ундан ортиқ** бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга **иш ҳақининг 80 фоизи** миқдорида;

➤ умумий иш стажи **8 йилгача** бўлган ходимларга **иш ҳақининг 60 фоизи** миқдорида.



Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

НАФАҚА ТАЙИНЛАШ УЧУН УМУМИЙ ИШ СТАЖИНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ



Умумий иш стажи **меҳнат дафтарчаси** ёки унинг **ўрнига берилган бошқа ҳужжат** асосида аниқланади.



Юридик шахс бўлмасдан фаолият юритувчи шахснинг меҳнат стажи

суғурта бадаллари тўланган даврдан иборат



Деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажи

* Сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар.



Деҳқон хўжалиги аъзоси, йил мобайнида ишлаб ундан камида 9 ой суғурта бадали тўлаган бўлса, ушбу давр календарь йил ҳисобланади.

Умумий иж стажига кирадиган даврлар



- ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш
- ҳарбий хизмат, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик органларидаги ҳамда чегара қўшинларидаги хизмат даври
- ҳарбийлаштирилган соқчилик, махсус алоқа органлари ҳамда тоғ-қутқарув қисмларидаги хизмат даври
- диний ташкилотларда ишлаган давр
- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ва деҳқон хўжалиги аъзосининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган давр
- алоҳида фуқароларга ёлланиб ишлаган давр (уй ходимлари, котибалар, энагалар, ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар)
- асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлган ва маҳбусликни ўтаган даври

Чет элда ишлаган давр стажга кирадими?



Агар белгиланган суғурта бадаллари тўлаб келинган бўлса, **чет элда ишлаган иш даври** иш стажига ҳисобланади.

ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ БЎЙИЧА НАФАҚА

➔ Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун **касаллик варақаси** асос бўлади.

➔ **Йиллик таътил** ва **болани парваришлаш учун таътил** вақтида **ҳомиладорлик** ва **туғиш бўйича таътил** берилганда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлар учун нафақа берилади.



Мазкур нафақа **иш ҳақининг 100 фоизи** миқдоридан берилади

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаш тартиби



Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг **ҳақиқий иш ҳақидан** ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси қандай тартибда тўланади?



Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси туғишдан олдин амалда фойдаланилган кунларнинг сонидан қатъи назар, таътилнинг тўлиқ даври учун бир йўла тўланади.

Меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа қандай ҳисобланади ?



Вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга **нафақа ҳисоблаб чиқаришда** ойлик иш ҳақи таътил бошланган кунгача доимий равишда олиб келинган қўшимча ва устамаларни қўшган ҳолда кунлик ёки соатбай тариф ставкаси ва ўртача ойлик мукофотлар суммаси ҳисобга олинади.



Ишбай иш ҳақи оловчи ходимларга нафақа қандай ҳисобланади?



Ишбай иш ҳақи оловчи ходимларга нафақа уларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойнинг биринчи кунидан олдинги сўнгги календарь ойдаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ойлик иш ҳақи мукофотларнинг ўртача суммаси қўшиб ҳисобланади.



Кўрсатиб ўтилган ойда ходим жадвалда белгиланган кунларда тўлиқ ишламаган бўлса, нафақа мазкур ойда ҳақиқий ишлаган кунлар учун тўланган иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ходимнинг иш ҳақи миқдори ўзгарганда нафақани ҳисоблаш



Агар нафақани ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи асос қилиб олинандиган давр мобайнида ходимнинг иш ҳақи миқдори ўзгарса, нафақани ҳисоблашда иш ҳақи ўзгарган кундан бошлаб тўланган иш ҳақи олинади.



Агар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш даврида иш ҳақи ўзгарган бўлса, шу даврдан бошлаб нафақа миқдори ҳам тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқарилади.



Агар нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақига қўшимча ҳақ ҳисобланган бўлса, нафақа ҳам тегишли равишда ошади.

Иш соатларини ҳисоблаб чиқиш имкони бўлмаган ходимларга нафақа қандай белгиланади?

Иш соатларини ҳисоблаб чиқиш имкони бўлмаган ходимларга тайинландиган нафақа

(уйда ишловчилар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, иккиламчи ва бошқа хил ашёларнинг штатли тайёрловчилари, озиқ-овқат чиқиндиларини йиғувчилар, тарқатиш ва ташиш савдоси сотувчилари, суратга олиш корхоналари агентлари ва бошқа шундай тоифадаги ходимлар)

сўнги 12 ой иш мобайнидаги кунлик ўртача иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади



Нафақа вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан бериландиган таътилнинг **барча календарь кунларига** тўланади.

БОЛА ТУҒИЛГАНДА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА




Бола туғилганда бериландиган бир марталик нафақа **энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари** миқдоридан берилади.



Ишлаётган аёлларга, ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурада **таҳсил олаётган аёлларга** бир марталик нафақа тегишлича **иш ёки ўқиш жойидан** тўланади.






Бола ўлик туғилган ҳолларда нафақа тўланмайди.

Қўшимча дам олиш кунни учун нафақа

Ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш кунни берилади.

ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ УЧУН БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА

Дафн этиш маросими учун нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган қўидаги оила аъзолари вафот этганда берилади:



Аёлнинг ҳомиласи тушган ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди.

Дафн этиш маросими учун нафақа қанча миқдорда берилади?



Мазкур нафақа **энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари** миқдорида берилади.



Ишламайдиган пенсионер вафот этганда нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга **2 ойлик пенсия** миқдорида, лекин **энг кам ойлик иш ҳақининг 2 ҳиссасидан кам бўлмаган** миқдорда, ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади.

НАФАҚАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ

Нафақалар қайси орган томонидан тайинланади?



Нафақалар ходимнинг асосий иш жойидан корхонанинг **Ижтимоий суғурта бўйича комиссияси** ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади.



Комиссиялар бўлмаган корхоналарда нафақалар, иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан тайинланади.

Нафақа олувчиларнинг айрим тоифалари

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар

Деҳқон хўжалиги аъзолари

Айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганлар

Нафақа тайинловчи орган

Ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинлани

Нафақани тўловчи орган

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси



Ўқувчи, талаба ва аспирантларга нафақалар ўқиш жойларида тайинланади ва тўланади.



Қуrolли кучлар сафидан озод этилгандан кейин вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган **собиқ ҳарбий хизматчига** нафақа туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади.

Ходимлар касаллик варақасини кимга тақдим этади?

- Ходим **вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик муддати тугагач** чиқишининг биринчи кундаёқ корхонага варақани тақдим этади.
- Меҳнатга қобилиятсизлик давом этаётган ҳолларда, навбатдаги иш ҳақи берилиши вақти келганда топширилиши мумкин.

Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланганда нафақа қайси ҳужжат асосида тайинланади?

Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланганда **нафақа тайинлаш асоси**


ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир бўлганлик ҳақидаги (Н-1-шаклда) далолатнома (1-илова)

Бахтсиз ҳодиса уйда, ишга бориш ёки ишдан қайтишда, давлат ёки жамоатчилик бурчини бажараётган пайтда рўй берса



Нафақа рўй берган бахтсизлик сабаблари иш берувчи томонидан ўрганиб чиқилгандан кейингина тайинланади

Қайси шароитдаги жароҳатланиш меҳнатда майибланиш ҳисобланади?



Касаллик варақаси бўйича нафақа олиш ҳуқуқига қандай рад этилади?



Ходим касаллик варақаси бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирда, комиссия **нафақа бермаслик тўғрисида қарор** чиқаради ва рад этиш сабабларини касаллик варақасига қайд этади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси қандай тартибда тўланади?



Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича тайинланган нафақа, шу жумладан сил касаллиги санаторийларида даволаниш учун бериладиган нафақа **иш ҳақи тўлаш учун белгиланган муддатларда** тўланади.



Бошқа турдаги санаторийларда даволаниш учун бериладиган нафақаларни тўлаш, ходим **санаторийдан қайтгандан сўнг** амалга оширилади.



Корхона тугатилганда нафақалар қандай тартибда тўланади?



Корхона тугатилганда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга, **нафақа*** тугатилган корхонанинг **ҳуқуқий вориси** ёки **тугатиш комиссияси** томонидан берилади.




Корхонани тугатиб бўлинган (якуний баланс топширилган) ҳолларда **нафақа ижтимоий таъминот бўлими** томонидан тайинланиб, тўланади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс	касаллик варақасини; бола туғилганлик ҳақидаги маълумотномани; вафот этганлик тўғрисидаги маълумотномани	Ижтимоий таъминот бўлими
Деҳқон хўжалиги аъзоси		
Айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганлар		

* Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари

➔ Топширилган ҳужжатлар кўриб чиқилиб, қарор чиқарилади ва белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Ортиқча тўланган нафақалар қандай қайтариб ўндирилади?



➔ Чегириш нафақа ёки иш ҳақидан ҳар сафар ходим олиши керак бўлган суммадан **20 % дан ортиқ бўлмаган** сумма чегириб қолинади.

! Бу қарор санаш жараёнида йўл қўйилган хато туфайли ортиқча тўлаш содир бўлганда нафақа тайинланган кундан **3 ойдан кечиктирмай**, ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилиш бўйича содир бўлганда эса **чекланмаган муддатда** қабул қилиниши мумкин.

Агар ходим мазкур корхонада ишламаётган бўлса, унга ортиқча тўлаб юборилган нафақа суммаси **суд орқали** ундирилади. Нафақа олишда суиистеъмолликка йўл қўйилса, ҳужжатлар қонунда белгиланган чораларни қўллаш учун **ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига** юборилади.



! Корхонанинг бош бухгалтери комиссия билан бир қаторда нафақа тўлаш бўйича маблағларнинг **тўғри сарфланиши учун** жавобгардир.

ИЛОВАЛАР

1-илова

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БАХТСИЗ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ
(Н-1-ШАКЛДА) ДАЛОЛАТНОМА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Н-1 шакли

Иш берувчи

(имзо, имзо ёйилмаси)

19 ____ йил _____

корхона муҳри

Бир нусхадан юборилади:

— жабрланувчига (ўлган бўлса оиласига);

— меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га;

— ҳудудий меҳнат органининг Давлат меҳнат инспекциясига

ДАЛОЛАТНОМА №

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва саломатликка бошқа хил зарар етказилиши тўғрисида

1. Корхонанинг номи _____
- 1.1. Корхонанинг манзили _____
(вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй)
- 1.2. Мулкчилик шакли _____
(давлат, акциядорлик, хусусий ва ҳоказо)
- 1.3. Бахтсиз ҳодиса юз берган жой _____
(бўлинма, цех)
2. Вазирлик, хўжалик бошқаруви органи _____
3. Ходимни йўллаган корхона _____
(номи, манзили, вазирлик

хўжалик бошқаруви органи)
4. Жабрланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми _____
5. Жинси: эркак, аёл (тагига чизилсин)
6. Ёши (тўлиқ йиллар сони кўрсатилсин) _____
7. Касби, лавозими _____
- 7.1. Разряди, класс _____
8. Бахтсиз ҳодиса юз берганда бажарилаётган иш бўйича иш стажи _____
9. Меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқнома, ўқитиш:
 - 9.1. Кириш йўриқномаси (сана) _____
 - 9.2. Меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитиш (сана) _____
 - 9.3. Дастлабки (даврий) йўриқнома (сана) _____
 - 9.4. Ўта хавфли ишлар учун билимларни текшириш (сана) _____
 - 9.5. Ишга қираётганида ва даврий тиббий кўрикдан ўтганлиги _____
10. Бахтсиз ҳодиса юз берган сана ва вақт _____
(йил, кун, ой)
- _____
(иш бошлашдан тўлиқ соатлар сони)
11. Бахтсиз ҳодиса ҳолати _____

11.1. Бахтсиз ҳодиса сабаблари _____

11.2. Жароҳат етказилишга сабаб бўлган асбоб-ускуна _____

11.3. Жабрланувчининг ҳушёрлиги (алкоголь ёки наркотиклар таъсиридалиги) _____

(тиббий хулосага биноан)

11.4. Ташхис _____

(дастлабки, охирги)

12. Бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш тадбирлари:

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажарувчи	Бажарилиши ҳақида белги
-----	----------------	-----------------	-----------	-------------------------

13. Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахслар _____

(Ф.И.Ш., лавозими, корхона номи)

(улар томонидан бузилган қонунлар, қоидалар ва

меъёрий ҳужжатларнинг моддалари, бандлари)

14. Бахтсиз ҳодиса гувоҳлари _____

Далолатнома тузилди _____

(йил, кун, ой)






Комиссия раиси _____

(Ф.И.Ш., имзо)

Комиссия аъзолари _____

(Ф.И.Ш., имзо)

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИГА ДОИР НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси	
Ўзбекистон Республикасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонуни	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-175-сон Фармони	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги «Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 515-сон қарори	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги «Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 71-сон қарори	
Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи <i>(08.05.2002 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1136)</i>	